



ИШОНЧИ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 30 апрел, жума № 51 (698)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА
ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ТОЖИКИСТОН АЛЮМИН ЗАВОДИ САЛБИЙ ТАЪСИР ҚИЛАДИГАН ЗОНАДАГИ ИЖТИМОЙ-ЭКОЛОГИК ВАЗИЯТНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШГА БАҒИШЛАНГАН ХАЛҚАРО УЧРАШУВ ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ ТОЖИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАЖЛИСИ ОЛИЙИ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА

МУРОЖАТИ

Марказий Осиё минтақасидаги давлатлар мустақилликка эришгач, уларда сиёсий ва иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш билан бир вақтда экологик хавфсизликка ҳам катта эътибор берилмоқда. Бу мамлакатларнинг айримлари атропо-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиат ресурсларидан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солуви кўп томонлама ва икки томонлама давлатларaro битимларга қўшилди.

Тожикистон алюмин заводи ҳар йили ҳавони булғатувчи 40 минг тоннагача моддаларни, шу жумладан 300-400 тонна энг зарарли модда - фторли водородни чиқариб ташлай бошлади. Айрим пайтларда, айниқса ёз ойларида Сароисиё туманида ҳаводаги фторли водороднинг миқдори йўл қўйиш мумкин бўлган меъёрдан 6-8 баравар ошиб кетди. Ёзда вужудга келадиган фавкулда вазиятдан ташқари, 1983 йилдан буён ўтказилган кузатиш даврида ҳаводаги фторли водороднинг ўртача миқдори йўл қўйиш мумкин бўлган меъёрнинг 1,5-2 бараварида қадар бажарилмагани маълум бўлди. Чунинчи, Тожикистон алюмин заводи экологик ҳолатини яхшилашга доир илмий тадқиқот ва техника ишлари дастурини ишлаб чиқди.


«ЭКОСАН» халқаро жамғармасининг экспертлар гуруҳи 1999 йилнинг январда Сароисиё ва Узун туманларидаги экологик вазиятни ўрганди. Бу гуруҳ мазкур Битим жойларда қандай бажарилган билан ҳам танишди.

Натижада томонлар ўз зиммасига олган бир қанча мажбуриятлар шу вақтда қадар бажарилмагани маълум бўлди. Чунинчи, Тожикистон алюмин заводи экологик ҳолатини яхшилаш, фторли водород ва олтингурут диоксиди қўйишнинг салбий таъсирини тугатишга, иссиқ иқлим шароити учун санитария-гигиена қоидаларини қайта кўриб чиқиш ва экологик меъёрларни ишлаб чиқишни молиялаштиришга, ҳаво булғанишини назорат қилишнинг автومات-тизимини жорий этишга доир тадбирлар амалга оширилмади.

1998 йилда Тожикистон алюмин заводи қувватининг қисқартирилишига қарамай, унинг одамлар саломатлигига ва кишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига салбий таъсири юқорилигича қолмоқда. Масалан, Сароисиё ва Узун туманларида 1998 йилда аҳоли орасида флюороз, юқумли касалликлар, паразитар, эндохрин касалликлари, шис пайдо бўлиши, иммун касалликлар, қон ва қон ҳосил қилувчи органлар, суяк-мушак тизими касал-

ликлари, туғма нуқсонлар 1996 йилдаги даражага нисбатан 1,5-2 баравар кўпайди.

Уруш ҳақида нималарни биламиз? Фақат киноларда кўрганларимиз, боболаримиз, моларимизнинг хотиралари билан чегараланиб қолганмиз. Мамлакатимиз Президентининг Фармониға мувофиқ 9 май Хотира ва қадрлаш куни сифатида нишонланиши яна бир бор барчамизни Ватан озодлиги йўлида жон фидо қилганларни ёдга олишга ундамоқда.




БАҒОЯТ УЛУҒ ИШ

Юртбошимиз Фармони билан 9 май Хотира ва қадрлаш куни деб эълон қилинишида жуда катта маъно бор. Деиди Фаргона туманидаги Чимён қишлоғида яшовчи уруш қатнашчиси Сироҳиддин ота Мақабиров. - Ҳозир етмиш беш ёшга кирдим. Қўлимга қурол ушлаб илк жанги Воронёжда бошлаганимда эндигина ўн саккиз ёшга тўлгандим. Бу кўлар нималарни кўрмади, нималарга гувоҳ бўлмади. Ёшлиқдан бирга ўсган қандайдан қанча тенгқур дўстларим кўз ўнгимда ҳалок бўлди. Шу машум урушда икки акамдан ажралдим. Умуман уруш келтирган фалокатлар ҳақида гапирсак, гап кўп. Лекин фронт орти ҳисобланган Ўзбекистонда, хусусан бизнинг Чимён қишлоғимизда ҳам уруш урушлигини кўрсатгани ҳеч кимга сир эмас.

Шу боис ҳам Юртбошимизнинг мустақил мамлакатимизнинг ашадлиқ фарзандларини хотирлаш, тирликларни қадрлаш, уларнинг хурматини жойига қўйиш юзасидан билдираётган фикрлари мени, уруш даҳшатларини бошидан кечирган бир инсонни жуда қувонтиради. Биз урушга кирганда доимо кўз ўнгимизда Ўзбекистон, ота-онамиз, сингилларимиз турарди. Акаларимиз ҳам шуларнинг тинч ҳаётини деб жонларини фидо қилишган. Энди уларни хотирлаб, руҳларини шод этадиган замолар келди. Мамлакатимиз пойтахти ва барча вилоятларида қўйилган Хотира майдонлари шундай муқаддас зиёратгоҳ бўлиб қолишига ишонаман.

Расулжон КАМОЛОВ,
ЎЗА муҳбири.



ПОЛВОНЛАРИМИЗ КАЙФИЯТИ АЪЛО!

Юртимиз узра кезиб юрган баҳор халқимизга яна бир аjoyиб байрам - спорт байрамининг туҳфа этиш арафасида. Кураш бўйича илк бор ўтказилган жаҳон чемпионати юртдошларимиз қалбига бирдек ёнган, фахр туйғуларини уйғотаётган. Чемпионатни ўтказиш учун «ЖАР» спорт мажмуида тайёргарлик ишлари ҳам ниҳоятга етган. Ҳўш, мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилиш учун муқаддас тушатишган полвонларимизнинг жисмоний тайёргарлиги қандай? Ўзбекистон терма жамоаси мураббийи Холдор Иргашевнинг қўли-қўлига тегайди. Шундай бўлса-да, у муштарийларимизни қизиқтирган саволларга жавоб берди:

Полвонларимизнинг жисмоний ҳозирлиги жуда яхши. Лекин мени қониқтираётган нарса бугина эмас, балки уларнинг руҳий тайёргарлиги ҳамдир. Йигитларимизнинг кайфиятлари аъло! Зеро, уларнинг фахрли ўринларини эгаллашларини умид қилиб турибмиз.

Мураббий сифатида асосан қайси полвонлардан умид қилаёсиз?

Полвонларимизни бир-биридан ажратиб кўрсатолмайман. Ҳар бирлари ўз вазн тоифаларида жуда кучли.

«ЖАР» спорт мажмуининг кураш залида полвонлар машқларини давом эттиришаётибди. Улар орасида эронлик полвонлар бош мураббийи Муҳаммадризо хожи Юсуфзодини суҳбатга тортдик.

Биласизми, мен Ўзбекистонга чемпионат баҳона илк бор келишим, - дейди мураббий биз билан суҳбатда. - Энг аввало менга Тошкентнинг гўзаллиги, кўкаламзорлиги ёқди. Мен жуда кўп юртларда бўлганман, кўп халқларнинг урф-одатлари, миллий анъаналари билан танишишга муваффақ бўлганман. Демокриманки, ўзбекларнинг одамхўнлиги, шинавандаллиги ва яна қайсидир, сўз билан ифодалаш кийин бўлган жиҳатлари менга жуда маъқул тушди. Мен Ўзбекистонга бориб жаҳон андозаларига мос курашнинг бундай спорт иншоотлари ва мەхмонхоналарни кўраман, деб сираям хаёлимга келтирмагандим. Жаҳон чемпионатиға 90 ва 90 килограммдан ортиқ вазндаги икки полвонимиз Али Чамампо ва Хусрав Далир Муин билан ташриф буорганмиз. Полвонларимиздан умидимиз катта. Биринчи ўринни бўлмаса-да, фахрли ўринларни эгаллаш ниятимиз бор.

Ўзбек курашининг қайси жиҳатлари сизларға маъқул тушди?

Сизға айтсам, кураш анча кеч жаҳонға кичди, деб ҳисоблайман. Буни аввалдан тарғиб қилиш керак эди. Энг маъқул жиҳатини айтадиган бўлсам, курашнинг бу тури гирромликлардан буткул холи. Қўпбал мамлакатлардан полвонларнинг ташриф буорилишининг ўзи унинг қанчалик маъқул бўлганлигини исботлаб турибди. Келажакда унинг янада оммалашиб кетишига ишончим қомил. Илк жаҳон чемпионати беллашувлари ўта муросасиз кечишиға шўбхам йўқ.

Олимпия шўхрати музейида кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионатиға бағишлаб маъбуот конференцияси ўтказилди. Журналистларға маъкур турнирда қатнашиш учун эллиқдан ортиқ мамлакат полвонлари Тошкентга етиб келганлиги маълум қилинди.

Чемпионат теннис муҳлисларига яхши таниш бўлган «Юнусобод» спорт мажмуида тантанали равишда очилди.

Мусобақалар эса, аввал кўзда тутилгандек «ЖАР» спорт мажмуида ўтказилди.

Ҳайрулло АБДУЛЛАЕВ.

ЁШЛАР БИЛАН ИШЛАШГА ЭЪТИБОР

Республика таълим марказида Халқ таълими вазирлиги тизимидаги муассаса ва ташкилотлар ходимларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Олий Мажлиси ўн тўртинчи сессиясида «Ўзбекистон XXI асрга интилоқда» мавзусида қилган маърузасини ўрганиш бўйича йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишни республика халқ таълими вазири Ж.Йўлдошев очар экан, давлатимиз раҳбари ёшлар билан ишлаш масалаларига жиддий эътибор қаратаётганликларини, сессиядаги маърузаларида «Биз мамлакатимизнинг истиқболли ёш авлодимиз қандай тарбия топишиға, қандай маънавий фазилатлар эгаси бўлиб вояға етишиға, фарзандларимизнинг ҳаётта нечоғли фаол муносабатда бўлишиға, қандай олий мақсадларға хизмат қилишиға боғлиқ эканлигини ҳамisha ёдда тутишимиз» зарурлигини алоҳида таъкидлаганликларини айтди. Бу эса устоз ва муаллимларға катта ишонч билдириш билан бирга улар зиммасига юксак масъулият ҳам юклайди.

Сўзға чиққанлар халқ таълими ходимлари Юртбошимиз маърузаларида баён этилган йўл-йўриқлар асосида ўз ҳақ-ҳуқуқларини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларға мустақил муносабат билан ёндашадиган, айни замонда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялашға ўзларининг бутун куч ва тажрибаларини сарфлаяжакларини таъкидладилар.

(ЎЗА)



ФАРОВОНЛИК МАНБАИ

Эртапишар чилги узумларининг энг сараси Тўрақўрғонда етиштирилади. Туманининг Аҳси қишлоғида яшовчи Йўлдошали ота Аҳмедов томорқасидаги узумлар эса чилгидан ҳам 10-15 кун олдин пишиб етилади. Чунки у узумларни ҳам худди томорқасидаги бошқа экинлар каби плёнқа остида етиштиради. Энг муҳими, миришкор богбоннинг тинимсиз меҳнати ҳосиласи бўлган узумлар лаззат-

лиги билан ажралиб туради. Йўлдош ота томорқасиға экиннинг эртапишар картошка ва узумнинг ўзидан ҳар йили 300-400 минг сўм даромад олади. Шундан оиласи фаровон, дастурхони тўкин. Шунга айтсалар керак-да, меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик, деб.

Суратда: Миришкор богбон Йўлдошали ота Аҳмедов токзориди.

Бахтиёр ҲАМРОКУЛОВ олган сурат.

Иқтисодиёт янгиликлари МЎЛЖАЛ — ЖАХОН БОЗОРИ

Яқингача Хўжаободдаги трикотаж фабрикаси банкротлик ёқасида турган эди. Энди эса унинг маҳсулотини жаҳон бозорида сотиш истиқболли пайдо бўлди. Фабрика негизда «Хўжаобод-Дзин-Ду» Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонасини барпо этишға қарор қилинди. Бу ерда йилига барча ёшдаги кишилар учун ип газламадан саккиз минг дона турли-туман кийим-кечак ишлаб чиқарила бошланади. Тайёрланадиган маҳсулотнинг ярмини Европа мамлакатлари ва Америкаға экспорт қилиш мўлжалланади.

Хўжаободликларнинг ҳамқори - Хитойнинг йирик «Тян-Дзин-Ду» фирмасининг ўтган йилги айланмаси 25 миллион АҚШ долларига етди. Яқинда хитойлик мутахассислар замонавий тикув машиналарини ўрнатишға киришадилар. Қўшма корхонанинг барпо этилиши анчагина кўшимча иш жойларини барпо этади. Андижон вилоятидаги аҳоли зич жойлашган туман марказида бунинг аҳамияти каттадир.

Маънавият

Юртбошимиз ўзларининг «Туркистон» газетаси мухбири саволларига берган жавобларида таъкидлаганларидек, ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамиятини мураккаб эркин фуқаро - онгли яшайдиган, мустиқил фикрга эга бўлган шахс маънавиятини камол топтириш бизнинг бош миллий гоямиз бўлиши зарур.

Хўш, шундай бўлар экан эркин фуқаро ўзи ким, у қачон ва қандай заминга кўра мавжуд?

Мамлакатимизда эркин фуқаро ўзбекистон асрлар давомида оруз қилган мустиқилликни довурак, ўз ҳаёти ва иқтидорини ҳалқимизнинг эркинлиги ва порлоқ келажигига бағишлаган Ислам Каримов раҳбарлигида кўлга киритган кундан кунда тарих саҳифасига ўзининг бой борлиги билан кириб келди.

ЭРКИН ФУҚАРОЛИК

Онгли яшаш, мустиқил фикр қудрати

Эркин фуқаролик ҳалқимизнинг ақл идроки, изчил ва жиддий курашининг маҳсули. Тоталитар тузум даврида ўзбекларга берилган эркин фуқаролик «шақлан миллий, мазмунан социалистик» деб айтилган илман мантисиз, мафкуравий жиҳатдан ўша реакция таъминидан келиб чиққан туруриқсиз, сохта эркинлик эди. Бу «эркинлик» шартотида фуқаро ўзбеклар учун на тил, на дин, на маънавият, на фикр, на қадрият эркинлиги бор эди. У ўзининг ватани нимадан бошланиши, ўзининг аждодлари ким бўлганлигини билишига ҳаққи йўқ эди. У «менинг бепоен ўлка» нинг номсизгина фуқароси эди холос.

Бугун ўзбекистон фуқаросининг ҳаёти, эркинлиги, шайни, қадр-қиммати ва дахлсиз ҳуқуқлари олий қонунга кўра олий қадрият ҳисобланади ва олий қонунлар билан ҳимоя қилинади. Айни вақтда у фирқалар, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига ҳам эгадир.

Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдига масъулдирлар. Хар бир шахс мулкдор бўлиш ҳуқуқига эга ҳамда фуқаролар касабга уюшмалари, бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларида иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Давлат истеъмолчиларининг ҳуқуқий устунигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлиги ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баробар муҳофаза этилишини кафолат-

бийи воситалар мажмуасининг ўзи ҳам аини вақтда онглиликнинг маҳсулидир. Кишиларнинг атраф муҳитига нисбатан онгли муносабати ўз ўрнида онглиликнинг моддий заминининг мустиқам ва самарали бўлишини таъминлайди. Онглилик, онгли яшашнинг биринчи дарслари оилада олинди. Жамиятда оиладек мунавар, оиладек етук, оиладек сартаст етук дорилфунун йўқ. Чунки, бунда ақл тарбияси биринчи бўлиб берилса иккинчидан, бунда у ота-онанинг, ака-уканинг, бобо

ва момонинг қалб эҳтироси билан, улуг орузи, ҳаваси билан берилади. Бола оилада бериладиган ақлий тарбияни бутун мураккаблиги билан қабул қилади ва ҳар қадамда, турли шакл кўринишида ундан имтиҳон ҳам топшириб боради.

Оиладаги ақл тарбиясида онанинг ўрнини босадиган бирор шахс йўқ. «Онасини кўрда қизини ол» деган мақол бекорга айтилмаган. Агар таъбир жоиз бўлса «Онасини кўрда ўғлини қув қил» деган фикрни ҳам ҳалқ мақолига қўшимча қилсак ҳеч хато қилмаган бўлар эдик. Чунки, эркин оналардан эркин болалар туғилади. Оналардаги эркинлик, эркин фикр, эркин фаолият болаларга тўйинган ҳолда ўтади. Шунинг учун ҳам бугунги кизларимиз, оналар қанчалик ўқимишли, билимли ва доно бўлсалар, янгиликка чанқок, ижодкор маънавий жиҳатдан баркамол бўлсалар бизнинг келажак авлодимизнинг баркамол бўлишига учун бой замин яратган бўламиз.

Хурматли Президентимиз 1999 йилни Аёллар йили деб эълон қилди. Бу фақат йилнинг номи эмас. Бу-катта ижтимоий, иқтисодий, маънавий сиёсат рами. Бу номида мамлакатимизнинг барча болаларини менинг болаларим, мен уларнинг тақдирини, бахтини, келажакини ҳеч кимга бермайман, деб хитоб қилган муҳтарам Президентимизнинг олам-олам оруз ҳаваслари ўз ифодасини топган. Тинчлик, тўвлик, осойишталик ҳукмирон бўлган диёрдагина гўзаллик, нафосатини йил

М.ШАРИФХУҲАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги Н.МАМАТОВ, фалсафа фанлари доктори, профессор. (Давоми бор)

МЕХНАТ АРДОҒИ

«Ўзбекистонга» Давлат уюшмасига қарашли «Юлдуз» очик турдаги акционерлик жамияти эришайтган ютуқлар ички меҳнат интизоми ва жамоа аъзоларининг ўз касбига бўлган муносабати тўғрисида.

1-Бичув цехининг кўли гул ишчилари, она-сингил Назира Раҳмонова ва Мапрат Ризақова ва Фотима Нурматовалардан иборат ишчилар сулоласи жамиятдаги кўламли сулолаларнинг биридир. Суратда: Жамонинг илгор ишчиларидан Дилдора Мўминова. Г.ХАРИТОНОВ олган сурат.



Шикоят текширилди, адолат ўрнатилди

Тахририятга келайтган хатлар турли мавзуларда бўлиб, уларнинг аксариятида меҳнатқилар ҳақ-ҳуқуқларининг бузилаётганлиги ўз ифодасини топган. Жойларда меҳнат қонунларига риоя этмаслик ана шундай эътирозларга сабаб бўлмоқда. Бухоро вилоятининг Олот туманида ишчилик қилаётган фуқаро Бебит Бешимовдан кўйидаги мазмунда мактуб келди:

Мен «Ўзбургуфнефгаз» акционерлик компаниясига қарашли «Минора куриш экспедицияси»да

таинлашди. У ерда хар ойга 3 минг сўмдан маош белгиланди. Аммо бу моятто ишга бориб-ке-

вон пули олишга ҳақли эмишман. Бу кам-ку, десам, улар: «каерга борсанг-боравер, кимга мурожаат қилсанг-қилавер» дейишди.

Акционерлик компанияси бош директори К.Эр-назаровга маошим тўғрисида хат ёздим. У ердан мени қониқтирадиган жавобни олмагач, Бухоро ви-

лояти геология, нефть-газ, кўмир саноати ходимлари касабга уюшмалари кенгашига шикоят йўлладим. Техник инспектор С.Мухиддинов бу ишга аралашгандан кейингина иш ҳақим қайта ҳисоб-китоб қилиниб, биратўла 81минг 371 сўм, хар ойда эса 3390 сўмдан товон пули тўлаб борилишини айтишди. Лекин бор-йўғи 8800 сўм олдим. Катта прорабга бу ҳақда фикр билдирсам, кун ва ойи қайд этилмаган введомостнинг тепасига «26 август» деб ёзиб қўйди.

Айтаверсам гап кўп. Оворагарчилик қийнаб қўйди. Сансоларликдан чарчадим. Раҳбарлар, «Энди даъвоингизни Тошкентга ҳам йўллайверинг, билганингизни қилинг, ихтиёр ўзингизда!» дейишди. Хуноб бўлдим. Наҳотки ҳеч кимга керак бўлмай қолдим? Инсон қадри шунчалик ерга уриладики? Ахир, меҳнатга яроқсизлигим ишлаб чиқаришда содир бўлган-ку?

Яқинда ушбу масала Ўзбекистон ёқилги-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касабга уюшмалари Марказий Кўмитасида ўрганиб чиқилди. Натижада Б.Бешимовга тўланадиган тўловлар миқдори ташкилот ҳисоботи бўлими томонидан нотўғри ҳисоблангани аниқланди. Сўроғга биноан ўртадаги фарқ фуқарога тўлиқ ундириб берилди. Амаддаги меъёрий

Муродулла ҒАҒУРОВ.

ЯХШИЛАР ЙЎЛ КЎРСАТИШДИ

1976 йилдан бери бригадирлик вазифасида ишлаб келаятган эдим. 1996 йил 21 ноябр куни ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодиса рўй берди. Бургулаш сарой томини ёпиш чоғида оёқ остидеги тўсиқ синиб, пастдаги темирлар устига йиқилиб тушдим. Оқибатда қовурга, оёқ ва кўлларим қаттиқ жароҳатланди. Касалхонага ётқизилдим. Узоқ даволандим.

Жарроҳлик муваффақиятли ўтган бўлса-да, кўлларим йўғон билан бўлиб эгрлигича қўлиб кетди. Шифокорлар ҳулосасига асосан III гуруҳ ногиронлигига чиқарилдим. Хизмат жойимга қайтсам, раҳбарлар мени энгилроқ ишга ўтказишларини айтишди.

Дарҳақиқат, аввалгидай меҳнат қилиш қобилиятимни йўқотган эдим. Бу тақлифга рози бўлдим. Бирок, бош ҳисобчи Рўза Абдуллаева товон пули ҳақида ҳеч нарса демай, туман ижтимоий таъминот бўлимига бориб, у ердан пенсиянинг ярми ва ойлигинингизни оласиз. Агар бутунлай ишлагансангиз, 1997 йилдан бошлаб пенсиянгиз тўланади, деб тушунтирдим. Кейин Олотга қайтдим.

Кўп ўтмай мени Муборақдаги бургулаш участкасига қоровулликка

лишга ҳам етмайди. Яна туман ижтимоий таъминот бўлимига учрашдим. Улар мен вақтинчалик ишдан бўшашимни тавсия қилишди. Кейин Муборақ экспедиция бошлиғи Тўхтасев ҳузурига бордим. У киши менга ўз хошимга кўра вазифадан озод этилишим тўғрисида ариза ёзишимни айтди. Кадрлар бўлими инспектори Сария она ҳам шу мазмунда гапирди. Негаки, қонунда вақтинчалик ишдан бўшаш введомостини таъминот бўлимига кўрсатиш керак экани аниқланди. Аризамни қайтариб олдим. «У ҳолда, дейишди улар, ишга чиқмаган кунлар учун Меҳнат қонунлари моддасига асосан хизматдан четлаштириласиз». Адолатсизликдан ўқиниб, сарсон-саргардонликдан сўнг, қоровулликка қайтдим.

Кўнларнинг бирида прораб Хўжааҳмад Ербетовни учратиб қолдим. Унга дардимни айтдим. «Бу мумкин эмас, деди у, - раҳбариятга учрашинг, шунча йил меҳнат қилдингиз, ишлаб чиқаришга боғлиқ жароҳат олгансиз. Бунинг учун улар Сизга товон пули тўлашлари шарт».

Тагин Муборақка бордим. Кадрлар бўлимида: «Хуқуқшуносдан йўл-йўриқ сўрабсиз, бориб, ўшалар ҳал қилиб беришин!» деган дашонмага қолдим. Хуллас, анча югур-югурлардан кейин эшитиб қолдимки, 1997 йилда 5652 сўм, январ ойидан бошлаб эса хар ойга 1137 сўм то-

Анджондан келган шикоятда ҳам Меҳнат қонунларига тўлиқ амал қилинмасдан асоссиз ишдан бўшатиш ҳоллари мавжудлиги кўрсатиб ўтилган. Ногиронлар жамияти касабга уюшмаси раиси Камолиддин Мансуров штат қисқариши муносабати билан ўз вазифасидан озод этилган. У ҳуқуқини ҳимоя қилиш ниятида ҳақли равишда виллоят касабга уюшмалари кенгашига мурожаат қилган. Текширувларда аниқландики, даъвогарнинг талаблари тўғри бўлиб қикди. Чунотки, Меҳнат Кодексининг 102-модда 1-қисми шартлари бузилган. Иш ўрни қисқарганда ишловчи 2 ой аввал оғохлантирилиши лозим эди. «Касабга уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолият кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг 18-модда ҳамда меҳнат қонунчилигининг 23-моддасига асосан вазифасидан озод этилаётган шахс учун касабга уюшмалари кўмитасининг розилигини олиш шарт. Шу боис Андижон виллояти Ногиронлар жамиятининг 1999 йил 19-январдаги 1-сонли буйруғининг 1-банди бекор қилиниб, К.Мансуров ўз ишига қайта қилинди. Шунингдек, оралик кунларга ўртча иш ҳақи тўланиши ҳам кафолатланди.

Касабга уюшма ҳаёти АЁЛЛАР БЎШ КЕЛИШМАЯПТИ

Бугунги кунда 135 нафар аёл қорхонамиз ривожига ўзларининг салмоқли улушларини қўшиб келаяпти. Ўз касбининг усталари - Ирина Мигунова, Элизбета Долотқазина, Ноила Кисель, Лариса Безверхняя, Олеся Шестопалова, Мавлуда Союпова, Софья Миневиц сингарилар қорхонамиз бўлим ва бўлимчаларига моҳирлик билан раҳбарлик қилмоқдалар.

Фикримизча, аёллар ишлайдиган хар бир жамоада уларни бирлаштирадиган, улар дил иззорлари, муаммоларини сирдош дугонадек тушунадиган аёллар қимматаси бўлиши керак. Шу мақсадда ташкил этилган аёллар кўмитасига бўлим бошлиғи Ирина Мигунова моҳирона раҳбарлик қилмоқда. Унга кўмита аъзоларидан Людмила Сергеева, Гулсум Зокирова, Малика Йўлдошева, Жаъма Уруновалар яқиндан кўмак беришаётир.

«Аёллар йили» кенг қамровли тадбирлари ҳам бевосита улар иштирокида ишлаб чиқилди. Тадбирларнинг бекам-кўст бажарилиши касабга уюшма ва аёллар кўмиталари томонидан назоратга олинди. Тадбир пухта тузилгани унинг хар бир банди ҳаётий бўлгани тўғрисида ҳам жорий йилнинг 1-чорағи учун белгиланган барча тадбирлар тўлиқ бажарилди.

Ишдаги муваффақиятларни янада кўпайтириш, сифат ва самардорликни сақлаш ва ривожлантириш учун меҳнатчилар маънавий ва моддий шарафларини янада яхшилаш зарурлигини тушунардиқ. Шу муносабат билан қорхонада ишлайдиган барча аёлларни туринган кунлариде уларга энг кам ойлик маошининг уч баробари миқдорда пул мукофоти бериш вақтинчалик Низоми қабул қилинди. Жамоа шартномасидаги ушбу Низомига мувофиқ йилнинг 1-чорағида 29 нафар аёлга 3960 сўмдан жами 114840 сўм мукофот пули берилди. Хизмат бурчини ўтаётган вақтда ҳақ-ҳол бўлган ҳайдовчиларнинг 13 оиласи қорхона оталиғига олинган эди. Ана шу оилаларда тарбияланаётган фарзандларнинг хар бирига улар балоғат ёшларига етгунча хар ойда энг кам ойлик маош миқдорида моддий ёрдам пули тўланамоқда. Наврўз байрами кунларида уларга 66 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

8-март байрамиде эса жамият хотин-қизлари, пенсионерлар, оталиқлик оилаларга сал кам 1 миллион сўмлик қиммат-

ШИФОХОНАЛАР ТАРМОҒИ КЕНГАЙМОҚДА

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастурига мувофиқ Хоразм вилоятида замонавий тиббий асбоблар билан жиҳозланган қишлоқ даволот пунктлари барпо этилмоқда. Кўшқўл турмушидаги «Ўзбекистон» хўжалигида ҳам янги қишлоқ даволот пункти ишга тушди. Эндиликда хўжалик ҳудудиде яшовчи уч мингдан ортки киши янги турдаги шифохона хизматидан фойдаланиши имкониятига эга бўлди.

Баҳо совғалар топширилди. Бундан ташқари, қорхона ишчи-ҳодимларининг хонадонларида фарзанд туғилганда энг кам ойлик маошининг икки баробари миқдорда қорхона маблағлари ҳисобидан суянчи пули тўлаш одат тусига айланган. Шундайлардан 20 нафарига 52800 сўм суянчи пули тўлангани фикримиз далилидир. Қорхона шайнини эъозлаб, узоқ йиллар ишлаб ҳозирда нафақада бўлган 8 нафар аёлга 30840 сўм, 33 ишчига эса 135 минг сўм моддий ёрдам кўрсатилди. Булардан ташқари, ишчи ходимларимизни спорт билан шуғулланишлари учун «Митрофанов» номи сузис ҳавасига 19 та, аёлларимизни хуш қоматли қилувчи «Шейлинг» марказига 10 та ойлик чипталарни имтиёзли нарҳда тарқатди. Шашка бўйича қорхона биринчилигида Маргарита Рикичинская биринчи, Наташа Струнина иккинчи, Света Павельева учинчи ўрнини эгалладилар. Ғолибларга қиммат-баҳо совринлар топширилди. Айни пайтда шашка усталари шахар миқдосида ўтказиладиган мусобақаларда қатнашиш учун қизгин тайёргарлик кўрмоқдалар.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, аёлларимиз нафақат ишлаб чиқариш жабаҳасида, балки касабга кўмитамиз ишларида ҳам кенг иштирок этмоқдалар. Фаолларимиздан Зинаида Шувель, Людмила Бадалова, Нозия Арутонова қабилар нафақадаги аёлларимиз, оталиқдаги оилалар иштирокида ўтказиладиган барча тадбирларда бош-қош бўлаётганликларини таъкидлаш ўринлидир.

Аёл борки - олам мунавар, нақли бекорга айтилмаган. Зотан улар қаерда бўлмасин-оиладами, қорхонадами - шу ерда фойз бўлади, барака таъминланади, кўнгиллар таскин топади, ҳаёт чироклари янада кўпроқ нур таратади. Мухтарам Президентимиз Ислам Каримов айтганларидек «Онани эъозлаш бизнинг миллатимиз, ҳалқимиз учун олий қадрият даражасига кўтарилган фазилят. Чунки аёлларни қанча улугласак, ҳаётимизнинг чирои, умримизнинг гули деб эъозласак демаски, оиламизни, Ватанимизни эъозлаган бўламиз».

Ф.НИҒМОНОВ, Тошкентдаги 2-автомобил очик турдаги ҳиссадорлик жамияти касабга уюшма кўмитаси раиси.

Газетхон танқид қилади ВАГОННИ БУ, Ё БОЗОР?

Кўпдан буён дилимга озор бериб, қалбимни ранжитаятган бир ҳолат тўғрисида кўлимга қалам олмоқдаман. Хар куни яхши кайфият билан эр-талаб Сирдарё-Тошкент йўналишидаги электропоездга миниб ишга йўл оламиз. Ва хар куни бир манзаранинг гувоҳи бўламан.

Поезд тамбургага одамлар билан тирнабандлиги учун ур йиқит, сур йиқит билан арзан йўлгага суқиламан. Қоп-қанорлар, пақир-тоғора, ботмон-ботмон халталар оша ичкарига киришинг ҳеч имкони йўқ. Уриндиқлар ҳам банд. Баъзилар пинакка кетган, баъзилар дунёни унутти карта ўйнаёттир. Бир вақт оломон ичиде бақир-чақир бошланди:

- Кеп қолинг, кўчқор думбасидан тайёрланган сомсани дода хўжасига?
- Олмалик пивоси - танга даво...
- Импортний музқаймоқ, баҳоси ҳам арзон - атиги 150 сўм!

Хуллас, сув, курт, писта печенье, сақич, турли ширинлик кўтарган сайёр сотувчилар вагонмавагон кезиб, йўловчини туртиб-суртиб ўз нарсасини мақтаб ўтказиш пайида. Уларни кўриб 7 ёшдан 70 ёшгача ҳамма «ишбилармон» бўлиб кетмадимикан, деб ўйлаб қоласан киши. Аксарияти хотин-халаж, ёш-ёш келинчақлар. Чипта-

сиз, эрта тонгдан тун қоронғусигача ахвол шу - вагонмавагон юришда. Поезд кузатувчилари, назоратчилар уларни кўрмаётгандек, индамай четлаб ўтишади. Ёки бирон «сир»и борми? Санитария-гигиена қоидалари тўғрисида гап очилишини ўзи кулгили. Дераза ойналари синган, оёқлар остида музқаймоқ қоғозлари, писта пўчоқлари, сигарет қўтилари бизсёр... Хонаки пиширилган нарсаларнинг антиқа хиди димоғингизни тешиб юборай дейди. Беихтиёр кўнлингиз беҳузур тортади. Вахоланки, «Санитария қонунларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги фармон ҳаётга тадбиқ этила бошлаганига анча бўлди. Бирок негадир кўз олдингиздаги манзарага қараб хойнаҳой темир йўл мутасаддилари бу фармондан бебахармиканлар деб ўйлаб қоласан киши. Ўзига хон - қўланқаси, майдон «хўжайин»ларнинг мушугини «пишт» дейдиган мард йўқ. Бундай ҳол қачонгача давом этади.

Темир йўл мутасаддилари йўловчиларга юксак маданиятни хизмат кўрсатишни қачон йўлга қўйишади? Абдунаби ОРИПОВ, Республика Саломатлик маркази ходими.

БАЛИҚЧИЛАР ЗАҒАФИ

Айниқса «Қорақалпоқбалиқ» давлат ҳиссадорлиги бирлашмасига қарашли Мўйноқ туманидаги «Амударё» жамоа хўжалиги аъзоларининг кўлга киритган ютуқлари қувонарли бўлди. Ўз имкониятларидан тадбиркорлик билан фойдаланаётган «амударёчилар» йил бошидан буён салкам 3500 центнер «тирик маржон»лар овллаб, тўрт ойлик шартномавий режани адо этишди. Истеъмолчиларга кўпроқ махсулот етказиб берилиши сабабли олинаётган соф фойда ортки соҳада ишловчиларнинг маънаводлиги ўсишига олиб келди. Уларнинг яшаш ва ишлаш шартлари тудан яхшиланди. Маблағлар қўлайиши, шунингдек, қўшимча равишда ов анжомлари, техника харид қилиш имконини берди. Бу ўз навбатида балиқ овллаш жамиянини ортки боришини таъминламоқда. Абду РАҲМОН, «Ишонч» мухбири.

Хар тўғрида

КЎКАТЛИ КЎЙЛАК

Белгиялик дизайнер Люк Мартес дунёдаги мўъжизакор бичиқчи. У ўт-ўланлар илдизини махсус кўрпага ўтказди, парваршилайди, кесади, тозалайди. Шундан сўнг эса улардан турли кийимлар тикади. Ҳозир бундай «матодан» тайёрланган кийимлар энг сўнгги мода тарикасида машхур. Тўғри бу кўкатли кийимларнинг нокуллайликлари мавжуд. Масалан, уларни ҳамиша суғориб, қирқиб, тозалаш керак. Шунингдек, 25 кун то ўзининг кийфасига эга бўлгунча кутиш ҳам керак. Бундан ташқари бу мўъжизакор матодан тикилган кўйлақлар оғирлиги ҳам анчагина - 10 килограммдан 20 килограммгача боради. Шунга қарамадан Люк Мартес унинг ихтироси келажакдаги энг машхур либос бўлишига ишончи комил.



ХАЙВОНЛАР МЕХМОН-ХОНАСИ

Энди фароғатли ҳаёт гаштини суриш ва ўз хўжайинларидан қимматбах оғаш олиш имкони нафақат Нью-Йорклик хайвонларга хос. Араблар ҳеч нарсада америкаликлардан ортда қолишни исташмапти. Ҳозир унга ўн беш нафар итлар кўчиб келишга улгурди. От, ит, мушуклар ихтиёрида бир хонадан тортиб беш хонали люкс хоналар мавжуд. Жуфтлар учун эса махсус хоналар мўлжалланган. Меҳмонлар учун шунингдек тиббий ёрдам маркази ва супермаркет хизматда. У ерда ҳар бир хайвонга мослаштирилган тиш чўткалари ҳам сотилади.

НАМАНГАНДА ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ БОШЛАНДИ

Наманганда 16 ёшга тўлмаган йигит ва қизлар ўртасида шахмат бўйича Осие чемпиони бошланди. Мусобақада Австралия, Вьетнам, Эрон, Малайзия ва бир қанча Ўрта Осие мамлакатлари - жами 8 давлатдан ёш шахматчилар иштирок этмоқда. Улар орасида мамлакатимизнинг 12 вакили ҳам бор. Шулардан икки киши - Ольга Сон ва Баҳодир Холмирзаев - иккаласи ҳам наманганлик - Ўзбекистон чемпиониликдир. Бу нуфузли шахмат турнирида Наманган вилоятининг беш вакили иштирок этаётгани вилоятда жисмоний тарбия ва спортни, шу жумладан шахматни ривожлантиришга катта эътибор берилётганининг ёрқин далилидир. Ўзбекистонда биринчи марта ўтказилган шахмат бўйича Наманган танлангани ҳам беиз эмас.

Чемпионат юксак даражада ташкил этилган бўлиб, бошқа мамлакатларда ўтказиладиган бундай мусобақалардан қолишмайди, - дейди республика Шахмат федерациясининг бош котиби Ирина Қаюмова. - Бундан ташқари хорижий иштирокчиларни ҳам, ҳакамлар ҳам эътироф этмоқда. Мусобақа 7 майга қадар давом этади. Унда Осиенинг энг кучли ёш шахматчилари аниқланибгина қолмай, чемпионатда финалга чиққан шахматчиларга ФИДЕ томонидан шахмат устаси унвони берилди. **Н. ХУҲАЕВА, УзА мухбири.**

Инсон ўз ҳаётида муайян иқлим шароити, ҳаво ҳароратига мослашиб яшайди. Аммо бу мослашув ҳам чегараланган бўлиб, бу чегарадан чиқилган тақдирда, ҳар қандай бакувват организм ҳам нозик ҳолатга тушиб қолади. Масалан, ҳаво таркибидаги турли газлар, майда зарралар, чанг, бактерия, захарли моддалар салбий таъсир кўрсатади. Инсоният яхши яшаш максасида ўзига қулай шароитларни яратиш учун курашиб келганда қанча табиий захираларни ишдан чиқармоқда, атроф муҳитни ифлослантирмоқда. Оғир санаят, транспорт ва дехқончиликдаги баъзи бир янгиликлар ҳаво таркибини ўзгартириб юборатир.

Жаҳон метеорология ташкилотининг маълумотига қара, кейинги ўн йилликлар ичида ўсимликларнинг қарийб ярми кескин ўзгаришга учраган, баъзи бир ўсимлик ва ҳайвон турлари бутунлай йўқолиб кетмоқда. 1983-1999 йиллар ичида республикаимиз «Қизил китоб»ига киритилган ўсимлик сони икки баробар кўпайиб, 301 тага етган. Ўзбекистон хайвонлар оламнинг камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган турлари сони шу давр ичида икки баробар кўпайди. Бундай ҳолат масалага жаҳон жамоатчилиги эътиборини кенгрок жалб этишни, тегишли эҳтиёт чоралари кўришни тақозо этади. Яқинда Республика Гидрометеорология бош бошқармасида «Об-ҳаво, иқлим ва саломатлик» мавзусида ўтказилган давра суҳбати ана шу муҳим масалага бағишланди. Ушбу анжуманда Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳфоза қилиш давлат қўмитаси, Гидрометеорология бош бошқармаси,

ИҚЛИМ ЎЗГАРИШЛАРИГА ҚАЛАЙСИЗ?

В.А.Бугаев номидаги Ўрта Осие гидрометеорология илмий-тектириш институти, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги мутахассислари, Тошкент давлат университети олимлари, Оролни кутқариш халқаро жамғармаси, ЮНЕСКО, ЮНЕП ва бошқа ташкилотлар вакиллари иштирок этдилар. Мавзу шунинг учун ҳам муҳимки, кейинги вақтларда табиий бўҳрон, қурғоқчилик, сув тошқини ва бошқа табиий офатлардан қўччилик зарар кўрмоқда. Қандай қилиб бундай нохуш ҳолатларни олдини олиш, унинг иқтисодиёт ва инсон саломатлигига таъсирини камайтириш мумкин? Атроф муҳитни яхшилаш учун яна қандай имконият мавжуд? Ана шу масалалар атрофида қизғин баҳслар борди, қимматли фикр мулоҳазалар,

Об-ҳаво ва саломатлик

тактифлар ўртага ташланди. Анжуманда Экологик бўҳрон сайёрамизнинг турли нуқталарида содир бўлаётгани инсон фаолияти, яшаш тарзига жиддий таъсир кўрсатаётгани алоҳида таъкидланди. Бунга жумладан Орол тақдирини мисол қилиб келтириш мумкин. Бу ерда вужудга келган танглик маҳаллий аҳоли саломатлигига ва ҳудуддаги экологик мувозанатга жиддий таъсир кўрсатмоқда.

даги йиғилишида Республикаимиз Президенти Ислоҳ Каримов кейинги икки йил ичида жамғарма янги иш ўринларини ташкил этиш, аҳолини зарур дори-дармонлар, тиббий хизмат ва сув билан таъминлаш борасида фаол иш олиб борагани, Орол муаммоси ечимига йирик халқаро молиявий ташкилотлар, қўлпаб хорижий давлатлар жалб этилгани, Орол денгизи сатҳининг пасайиши тўхтаганини алоҳида таъкид-

лан газ чиқиндиларини камайитиришга қаратилган Баённомани имзолаш бошланди. Экологик тоза ривожланиш механизми дорасида Ўзбекистонда ҳароратли газлар чиқиндиларини камайитириш имкони борлиги Баённомада кўзда тутилган. Электр станцияларни тозароқ қўлга олиш ва муқобил энергетикани ривожлантириш ҳавони ифлослайдиган чиқиндиларини камайитиришга олиб келади. Бунинг учун қолдиқ газларни қудуқда ёқишни тўхтатиш, майда энергетикани ривожлантириш, узок қишлоқларда қуёш нуридан фойдаланиш талаб этилади.

Дарё қирғоқларида дала ҳовлиси қуриш тақрир-басига барҳам бериш керак. Биринчидан бу хавфли, иккинчидан, у сувни ифлослаши мумкин.

Умуман, сув ресурсларини бошқаришнинг замонавий тизимини такомиллаштириш, ундан лимит асосида фойдаланиш, самарали фойдаланганлик учун рағбатлантириш чораларини кўриш, тежамкорликка эришиш талаб этилади.

«Об-ҳаво, иқлим ва саломатлик» давра суҳбатида ҳаво ҳароратининг кўтарилиши, ҳароратли газнинг табиатга, инсон саломатлигига салбий таъсири юзасидан кенг фикр алмашилди. Бу муаммолар бўйича илмий-тектириш ишларини янада кучайтириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Содиқ МҮМИНОВ

«Юнусобод бозори» очик акционерлик жамиятининг 1999 йил 1 январ ҳолатига бўлган баланси:

Table with 3 columns: Кўрсаткичлар номи, Актив минг сўм, Пассив минг сўм. Rows include: Асосий воситалар (қолдиқ нархда), Тугалланмаган капитал қурилиш, Товар захиралари, Арзон баҳоли ва тез эскирадиган моллар, Пул маблағлари, Кузланган харажатлар, Дебиторлик қарзлар, Устав фонди, Қўшилган сармоя, Захира сармоялари, Тақсимланмаган даромад, Таъсисчилар билан ҳисоб-китоб, Кредиторлик қарзлар, БАЛАНС.

Баланс «Тошбозортайёрловсавдо» аудиторлик фирмаси томонидан тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 1998 йил 19 сентябрда 510-сонли лицензия берилган. «Юнусобод бозори» ОАЖ 1998 йил якунлари бўйича дивидендларни бермоқда.

«МЕТАЛЛИКАЙТАШЛАШ» МЧЖ

- Чекланмаган миқдорда сотади: * зангламайдиган челақ 9л - 550 сўм, 15л - 600 сўм; * зангламайдиган тоғора 13л - 600 сўм, 23л - 800 сўм; * зангламайдиган бак 32л - 1500 сўм; * сув қайнатич (самовар) 42л - 4200 сўм; * алюмин қошиқ ва вилка - 10 сўмдан; * эшик ва ром ошиқ-мошиқлари 110 мм - 60 сўм; * йўлак (троллар) плиталари 1 кв.м. - 750 сўм; * «Нева-5» ва «Ладога-3» русумли тўқув машиналари; * 100 тонна қувватга эга зичлагич (пресс);

СОТИБ ОЛАДИ: * зангламайдиган сым - қалинлиги 5 мм; * қора туңука - қалинлиги 2 мм, 08КП; ИЖАРАГА БERAДИ: * боғхона омбори - 500 кв.м;

КОРХОНА МАНЗИЛИ: Тошкент ш. Соғбон 30-берк кўча, 79-уй. МҮРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 46-52-00, 46-64-19, 46-14-13, 46-79-41.

Table with 3 columns: Кўрсаткичлар номи, Актив минг сўм, Пассив минг сўм. Rows include: Асосий воситалар (қолдиқ нархда), Тугалланмаган капитал қурилиш, Товар захиралари, Арзон баҳоли ва тез эскирадиган моллар, Пул маблағлари, Кузланган харажатлар, Дебиторлик қарзлар, Устав фонди, Қўшимча сармоя, Захира сармоялари, Тақсимланмаган даромад, Таъсисчилар билан ҳисоб-китоблар, Кредиторлик қарзлар, Баланс.

1998 йил солиқ тўлангунга қадар умумий молиявий хўжалик натижа (даромад) 46898,4 минг сўмга, соф фойда - 7552,8 минг сўмни ташкил этди. Баланс «Тошбозор» тайёрлов савдо аудит» аудиторлик фирмаси томонидан тасдиқланган лицензия N 510 19.09.98 йил Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан берилган. «Олой бозори» ОАЖ 1998 йил якунлари бўйича дивидендлар бермоқда.

«Олой бозори» очик акционерлик жамиятининг «Эмиссия риволаси»

- 1. Эмитент ҳақидаги асосий маълумотлар: Тулик ҳамда қисқартирилган номи Тулик; «Олой бозори» очик акционерлик жамияти Қисқартирилган ҳолда: «Олой бозори» ОАЖ Тармоқ; савдони ташкил қилиш Бош ташкилот: «Тошбозортайёрловсавдо», Тошкент шаҳри Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 31. Акционерлик жамияти раиси, Х.К.Набиҳонов Бош ҳисобчи: Л.В.Стрельникова 2. Эмитент ҳуқуқий-ташкилий қўриниши: очик акционерлар жамияти 3. Манилгоҳ ва банк реқвизитлари: 700000 Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани А.Темур кўчаси, 40 Хизмат кўрсатувчи банк манилгоҳи: Тошкент шаҳар уй-жой-коммунал банки Меҳнат бўлими. МФО ва ҳисоб рақами: 20206000900101447001 МФО 00423 4. Тошкент шаҳар Юнусобод туман ҳокимияти томонидан 1998 йил 18 декабрда N 1987 - к рақам билан рўйхатдан ўтган. 5. 1996 йил 27 майда N14-1-174 рақам билан қимматбах қозғолар давлат рўйхатидан ўтказилган. 6. Фаолият юритиши: Савдо-сотикни ташкил қилиш. 7. Акционерлар жами сони 1020 та, шу жумладан 5 фоиз ва ундан ортик овоз олганлар. Юридик ҳуқуққа эга бўлган ташкилотлар номи, жисмоний Юридик ҳуқуққа эга бўлган акционер манзили ёки жисмоний Устав фонди улуши %

«Олой бозори» Очик акционерлик жамиятининг 1999 йил 1 январ ҳолатига бўлган баланси:

Table with 3 columns: ҳуқуққа эга бўлганлар исми-шарифи, шахс паспорт маълумотлари, Тошкент шаҳри 51%. Rows include: 8. Ижроия органи рўйхати, 9. Кузатув кенгаши органи аъзолари рўйхати, 10. Акционерлик жамияти таъсисчилари, II. Эмитентнинг молиявий кўрсаткичлари, I. Мустақил аудитор ҳақида маълумот, 2. Эмитент мол мулки рўйхати ҳақида қисқача маълумот, III. Чикарилган қимматбах қозғолар бўйича маълумотнома, IV. Эмиссия риволаси бўйича.

Table with 3 columns: 3. Машина ва усқуналар қўчланувчи машина ва усқуналар, Ишловчи машина ва усқуналар, Лаборатория жиҳозлари, Ҳисоблаш техникаси, Бошқа турдаги машина ва усқуналар, Транспорт, Ишлаб чиқариш инвесторлари ва бошқа жиҳозлар, Ер майдони - 8,4 га.

Table with 4 columns: Устав фондини қисқартиришга қарор қилингунга қадар бўлган устав фонди 47841,4 минг сўм, Умумий чиқарилган акциялар 47841,4 минг сўмлик шундан, оддий акциялар 47841 дона, 47841 минг сўмлик шу жумладан имтиёзли акциялар - йўқ, шу жумладан оддий акциялар тақдими - йўқ, Кейинги чиқарилган қимматбах қозғолар ҳақида маълумот, Устав фондини улушлар бўйича бўлиш.

Table with 4 columns: Эмиссия риволаси бўйича, Жами % минг сўм, Ҳокимият улуши % минг сўм, Меҳнат жамоаси улуши % минг сўм, Эркин сотув % минг сўм. Rows include: 100, 47841,4, 51, 24399,1, 24, 11482,0, 25, 11960,3.

Advertisement for 'Ишонч' newspaper. Includes contact information for the editor-in-chief Mirg'ies Kayumov, phone numbers, and address details. Also features a small ad for 'Шарқ' newspaper.